2018 йил 3 август, жума

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 146 (13.743)

Баҳоси эркин нархда

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШНИ БОШҚАРИШНИНГ ИННОВАЦИОН МОДЕЛИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўтган йилларда мамлакатда соғлиқни сақлашни бошқаришнинг ягона тизимини яратиш, тиббиётнинг хусусий секторини ривожлантириш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва соғлом авлодни шакллантириш учун қулай шарт-шароитларни таъминлаш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, ушбу соҳада соғлиқни сақлашни самарали ислоҳ қилишга тўсқинлик қилаётган қатор тизимли муаммолар сақланиб қолмоқда. Хусусан:

**биринчидан,** мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш бўйича узоқ муддатли стратегиянинг мавжуд эмаслиги оқибатида ушбу соҳадаги ислоҳотлар тўлиқ бўлмаган шаклда ва тизимсиз тарзда амалга оширилмоқда, бу эса аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлиги ва сифатини ошириш имконини бермаяпти;

**иккинчидан,** республика соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишда соғлиқни сақлашни бошқаришнинг хорижий мамлакатларда қўлланилаётган муваффақиятли тажрибаси ва аниқ инновацион моделлари лозим даражада ҳисобга олинмаётганлиги соҳага инвестицияларни жалб этиш ва халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш имконини бермаяпти;

**учинчидан,** тиббиёт ва фармацевтика ходимлари, энг аввало, республиканинг хусусий соғлиқни сақлаш тизими ташкилотларида фаолият юритаётган ходимларнинг касбий малакасини ошириш ва лозим даражада сақлаш, уларнинг кўникмалари замонавий талабларга мувофиқлиги устидан таъсирчан мониторинг тизими жорий этилмаган;

**тўртинчидан,** хусусий секторни ривожлантириш учун шарт-шароитларни яхшилаш орқали давлатнинг соғлиқни сақлашга харажатларини мақбуллаштиришга, шунингдек, хусусий тиббиёт ташкилотларини бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилаётган бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш тизимига интеграция қилишга етарлича эътибор қаратилмаяпти;

**бешинчидан,** клиник протоколлар ва тиббий стандартларнинг мукаммал эмаслиги, шунингдек, инновацион ишланмалар ва технологиялардан фойдаланиш даражасининг пастлиги аҳолига тиббий ёрдамни ташкил этишга замонавий услуб ва ёндашувларни жорий этиш имконини бермаяпти;

**олтинчидан,** тиббиёт ва фармацевтика ходимлари тўғрисида ҳаққоний маълумотлар, шунингдек, ишончли тиббиёт статистикасининг ягона базаси шакллантирилмаганлиги соғлиқни сақлаш тизими аҳволини муносиб баҳолаш ва мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқиш имконини бермаяпти;

**еттинчидан,** ҳал этилмаган муаммо ва камчиликларнинг сақланиб қолаётганлиги жамиятда тиббиёт ходимларининг имиджи ва обрўсига салбий таъсир кўрсатмоқда, ушбу касб нуфузини ва мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимига бўлган ишончни пасайтирмоқда.

Аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш, республика соғлиқни сақлаш соҳасини бошқариш тизимининг самарадорлигини ошириш, шунингдек, соҳага чет эл инвестицияларини фаол жалб қилиш, умумэътироф этилган халқаро стандартлар ва инновацион технологияларни жорий этиш мақсадида:

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлашни бошқаришнинг инновацион моделини жорий этишнинг стратегик мақсадлари этиб белгилансин:

умумэътироф этилган халқаро методикаларга мувофиқ аниқланадиган мамлакат аҳолиси саломатлиги кўрсаткичларининг барқарор яхшиланишини ва соғлиқни сақлаш тизимидан қаноатланганлик даражасини таъминлаш;

дастлабки босқичда минтақада аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлиги бўйича етакчи ўринларни ҳамда кейинчалик соғлиқни сақлаш тизими самарадорлигининг жаҳон рейтингларида муносиб ўринни эгаллаш;

*(Давоми 2-бетда)*

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Бандлик дастури – амалда

## ИМКОНИЯТЛАР ЯРМАРКАСИ

***"Ўзбекэнерго" акциядорлик жамиятида тизимдаги корхоналардаги бўш иш ўринларини малакали ёшлар билан тўлдириш мақсадида вакант иш ўринлари ярмаркаси бўлиб ўтди, дея хабар беради ЎзА.***

Ярмаркада "Ўзбекэнерго" АЖ тизимига кирувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги корхона ва ташкилотлар мингдан ортиқ бўш иш ўрни билан қатнашди.

Корхоналарда яратилган шароитлар, ишга жойлашиш тартиби ва номзодларга қўйиладиган талаблар тўғрисида тақдимотлар ўтказилди.

Ярмаркада 1 минг 500 дан ортиқ номзоддан ариза келиб тушди. Мурожаатлар тез кунда ўрганилиб, бўш иш ўринларига ёш мутахассислар қабул қилинади.

**И.АҲАТОВА**

Халқаро ҳамкорлик

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХАЛҚАРО МАЙДОНДА ЯНГИЛАНГАН ИМИЖИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ЯНГИ БОСҚИЧ

***Аввал хабар қилинганидек, 26 июль куни Вашингтон шаҳрида диний эркинликни қўллаб-қувватлашга бағишланган нуфузли халқаро форум ўтказилди. Унда 80 мамлакатдан 600 дан ортиқ ташқи сиёсий идоралар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, дин арбоблари ва фуқаролик жамияти фаоллари иштирок этди. Ушбу тадбир кенг халқаро жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари диққат-эътиборида бўлди.***

Ўзбекистон делегацияси аъзолари анжуман иштирокчиларига мамлакатимиздаги диний эркинлик, конфессияларaро тотувликни таъминлаш борасида қўлланилаётган янги ёндашувлар тўғрисида батафсил маълумот берди. Ушбу соҳа Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан амалга оширилаётган, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётининг барча жабҳаларига дахлдор бўлган кенг кўламли ислоҳотлар дастурининг муҳим ва узвий йўналишларидан бири экани алоҳида таъкидланди. Давлатимиз раҳбарининг маърифатли ислом ғояларини тарғиб қилиш, Ўзбекистонда Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Ислом цивилизацияси маркази ва Ислом академиясини ташкил этиш борасидаги ташаббуслари катта қизиқиш билан тингланди.

Эътиборлиси, мазкур форумда Ўзбекистон инсоннинг дин эркинлиги каби фундаментал ҳуқуқини изчил таъминлаётгани учун юксак эътироф этилган ягона мамлакат бўлди.

АҚШ Давлат котиби Майкл Помпео форум очилишида эътиқод эркинлиги тараққий этган мамлакатда ривожланиш бўлишини таъкидлаб, "Ўзбекистон бунга мисолдир, биз Ўзбекистон томонидан янада эркин жамият барпо этиш борасида кўрилаётган чора-тадбирларни қўллаб-қувватлаймиз", деб алоҳида қайд этди.

АҚШ ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбарининг фикрича, Ўзбекистоннинг янги раҳбарияти томонидан бундай нозик соҳада олиб борилаётган сиёсат муҳим халқаро аҳамиятга эга. "Биз Ўзбекистонда диний эркинлик масалаларида қабул қилинган қарорлар мамлакат, унинг жамоатчилиги ва бутун минтақага ижобий таъсир кўрсатишига қатъий ишонамиз", деди М.Помпео.

Анжуманда бугунги кунда жаҳонда диний эркинликни қўллаб-қувватлаш муҳимлиги тўғрисида атрофлича сўз юритилди. Эътиқод эркинлиги инсоннинг асосий ҳуқуқи экани, ушбу ҳуқуқ бузилган жойда радикаллашув ва зўравонлик юзага келиши таъкидланди. Форумда қайд этилганидек, дунё аҳолисининг 83 фоизи эътиқод эркинлиги чекланаётган ёки хавф остида қолган мамлакатларда истиқомат қилмоқда.

Ўзбекистон делегациясининг конференцияда иштироки доирасида АҚШ Миллий пресс-клубида "Ўзбекистонда диний эркинликнинг янги даври" мавзуида брифинг ташкил этилди. Брифинг оммавий ахборот воситалари ва экспертлар ҳамжамиятида катта қизиқиш уйғотди.

*(Давоми 3-бетда)*

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Тожикистон маданият вазири Шамсиддин Орумбекзода бошчилигидаги делегация аъзолари иштирокида ўтказилган давра суҳбатида илм-фан, маданият, санъат соҳалари вакиллари, таниқли актёрлар, ёзувчи ва шоирлар қатнашди. Шунингдек, Халқаро пресс-клубда тожикистонлик меҳмонлар иштирокида ижодий учрашув ташкил қилинди.**

**● Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан Фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш масалалари бўйича Парламент комиссияси ҳамда Ўзбекистон Республикасида Болалар меҳнати ва мажбурий меҳнат масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш ҳамкорлигида "Ижтимоий шериклик – муносиб меҳнат гарови" мавзуида видеоконференцалоқа шаклидаги давра суҳбати ўтказилди.**

**● Урганчда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти Хоразм вилояти бошқармаси томонидан 2018 йилнинг ўтган даврида амалга оширилган ишлар ва истиқболдаги вазифалар муҳокамасига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.**

**● Қадим Бухоронинг Абу Али ибн Сино номидаги фавворалар хиёбонига туташ ҳудудда Ватанимиз мустақиллигининг 27 йиллигига бағишлаб анъанавий қовун сайли фестивали бўлиб ўтди. Бу галги тадбирда вилоятдаги 224 фермер хўжалиги томонидан 1 минг 890 тонна қовун-тарвуз кўргазма савдога қўйилди. Харидорларга таклиф этилган қовун навлари ҳам талайгина – "Амири", "Бекзоди", "Оқ уруғ", "Бўрикалла", "Гулоби"нинг бир неча тури.**

### ЖАҲОНДА

**● Европанинг кўпгина давлатларида жазирама иссиқнинг ҳукм суриши ноқулайликларни келтириб чиқармоқда. Жумладан, Германиянинг шимолий-шарқида иссиқ туфайли рўй берган қурғоқчилик натижасида сабзавот ва полиз экинларининг каттагина қисми нобуд бўлди. Шу боис фермерлар ҳукуматдан 1 миллиард евро миқдорида ёрдам пули сўрамоқдалар. Бунда биринчи навбатда ҳосилининг 30 фоиздан ортиғи нобуд бўлган фермерларга кўмак кўрсатилади. Шунингдек, қурғоқчиликдан Буюк Британия, Польша ва Скандинавия давлатлари ҳам катта зарар кўрган.**

**● Қиролича Мария номидаги Лондон университети олимлари доимий чарчоқдан халос бўлишнинг самарали усулини маълум қилишди. Доимий чироқ синдроми билан курашда тез-тез жисмоний тарбия билан шуғулланиш кўмак беради. У ўртача доимийликда бўлиши лозим. Муаллифлар бундай хулосаларга 12 ҳафта давомида 200 кишининг соғлигини кузатиб келишган. Бу инсонлар депрессия ва уйқусизликка қарши дорилардан ташқари, жисмоний тарбия билан ҳам шуғулланишган. 100 кишидан иборат бўлган назорат гуруҳи билан таққослаганда, 40 инсоннинг ҳолати яхшиланган.**

**● "Samsung" корпорацияси томонидан 2019 йил 8-11 январь кунлари бўлиб ўтадиган "Consumer Electronics Show" кўргазмасида эгилувчан смартфонини намойиш қилиши билдирилди. Ушбу смартфон чегараланган миқдорда — 300-500 дона ишлаб чиқарилиб, 2019 йилда сотувга қўйилиши мумкин. У тахминан 1 минг 800 АҚШ долларига баҳоланмоқда. Айтиш мумкинки, "Samsung Galaxy X" эгилувчан экранли дастлабки смартфон бўлади. Бу смартфон устида 2011 йилдан бошлаб иш олиб борилмоқда ва 2016 йилда муомалага киритиш режалаштирилган эди. Бироқ компаниянинг бошқа бир қурилмаси — "Note 7" билан боғлиқ муаммолар туфайли Galaxy X смартфонининг намойиши бир неча бор кечиктирилган.**

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашида

## УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Куни кеча халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг ўттиз тўққизинчи сессияси бўлиб ўтди.

Унда шаҳримиздаги қонунийлик ҳолати ва жиноятчилик аҳволи, Жиноят ишлари, Фуқаролар ишлари, Маъмурий ва Иқтисодий судларнинг фаолияти, Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, Матбуот ва ахборот бошқармаси, "Сувсоз" давлат унитар корхонасининг ярим йилликдаги ҳисоботи ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси лойиҳаси ва бошқа масалалар кўриб чиқилди.

Сессия кун тартиби бўйича дастлаб Тошкент шаҳар прокурори Ш.Облақуловнинг пойтахт ҳудудида 2018 йил биринчи ярмида қонунийлик ҳолати ва жиноятчилик аҳволи юзасидан ҳисоботи тингланиб, шаҳарда қонунийликни мустаҳкамлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқлари ҳамда шахсий ҳуқуқ ва эркинликларининг тўла амалга оширилишини таъминлаш, жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш, уларнинг таклифлари, ариза ва шикоятларининг кўриб чиқилишида янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонунида белгиланган тартиб ва муддатларга сўзсиз риоя қилиш лозимлиги таъкидланди.

2018 йил – "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" Давлат дастурида белгиланган тадбирларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ижро этилишини таъминлаш қайд этиб ўтилди. Тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, кичик бизнес ҳамда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, шунингдек, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, улар асосида янги иш ўринларини ташкил этиш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилди. Йирик саноат корхоналарида касаначилик фаолиятини жадаллаштиришга доимий эътибор қаратиш, бўш турган ва фойдаланилмаётган объектлардан самарали фойдаланиш чораларини кўриш, уларда ишлаб чиқаришни ва тадбиркорликни йўлга қўйиш бўйича инвестицияларни ҳамда инвесторларни жалб қилиш чораларини кўриш белгиланди. Секторлар бўйича ишларнинг янада кучайтирилиши, туманларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши борасида зарур чоралар кўрилиши, аҳолининг дардини тинглаш, муаммоларини бартараф этиш, уларни рози қилиш чоралари кўрилиши, шаҳар ҳудудида юқумли касалликлар тарқалишининг, болалар ва оналар ўлими ҳолатларининг олдини олишга доир амалий чоралар кўриб боришга жиддий эътибор берилди.

*(Давоми 2-бетда)*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШНИ БОШҚАРИШНИНГ ИННОВАЦИОН МОДЕЛИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам ҳажмида хусусий сектор улушини салмоқли даражада кўпайтириш, ушбу хизматнинг сифатини ва ундан фойдаланиш имкониятларини ошириш;

миллий иқтисодиётнинг бюджетни шакллантирадиган тармоғи сифатида тиббий туризмни шакллантириш, кейинчалик унинг мамлакат ялпи ички маҳсулотига ҳиссасини изчил ошириб бориш;

республика тиббиёт ва фармацевтика ходимлари, шу жумладан, бошқарув кадрларига халқаро стандартларга мувофиқ узлуксиз таълим бериш ва улар малакасини оширишнинг замонавий тизимини яратиш.

2. **Ўзбекистон Республикаси Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси** (кейинги ўринларда Миллий палата деб юритилади) ташкил этилсин, қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

республика соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш стратегиясини, илғор халқаро стандартлар ва жаҳондаги энг яхши амалиётни ҳисобга олган ҳолда соғлиқни сақлашни бошқаришнинг инновацион моделини жорий этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

замонавий клиник қўлланмалар ва протоколлар, диагностика ва даволаш сифатига оид стандартлар, шунингдек, моддий-техник жиҳозлаш стандартларини ишлаб чиқишни ташкил этиш, уларнинг ўз вақтида жорий этилишини мониторинг қилиш;

зарур статистик ахборот билан таъминлаш мақсадида тиббиёт статистикасини тўплаш ва таҳлил қилиш тизимини такомиллаштириш ва рақамлаштириш, шунингдек, статистик кўрсаткичларни манипуляция қилиш имкониятини истисно этадиган халқаро стандартлар ва методикаларни жорий этиш;

республика шифокорлари ва провизорларини рўйхатга олиш тизимини жорий этиш, шунингдек, умумий фойдаланиш учун очиқ бўлган ягона электрон маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш;

халқаро стандартларга жавоб берадиган соғлиқни сақлаш инфратузилмасини яратишга, шу жумладан, тиббиёт ва фармацевтика ташкилотларини замонавий ускуналар билан жиҳозлаш ва илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш учун молиявий маблағлар жалб этишга, шунингдек, соғлиқни сақлаш соҳасида янги ташкилотлар ташкил қилишга кўмаклашиш;

тиббиёт ходимларининг обрўсини, ушбу касб нуфузи ва мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимига бўлган ишончни ошириш, тиббиёт ходимларига одоб-ахлоқ қоидаларини сингдириш, коррупция кўринишларига барҳам бериш ва уларнинг олдини олиш, шунингдек, уларнинг касбий фаолияти устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш чораларини кўриш;

тиббиёт ходимлари касбий малака даражаси, шунингдек, уларнинг кўникмалари замонавий талаблар ва жаҳоннинг энг яхши амалиётига мувофиқлиги устидан, шу жумладан, улар фаолиятини якка тартибда лицензиялашни жорий этиш орқали таъсирчан мониторинг тизимини йўлга қўйиш;

тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, ушбу соҳага замонавий стандартларни жорий этиш, шунингдек, соғлиқни сақлаш соҳасидаги юқори малакали хорижий эксперт ва мутахассисларни мамлакатга фаол жалб қилиш, мамлакатимиз мутахассислари ва экспертларининг чет элда стажировка ўташини ташкил этиш;

мамлакатимиз тиббиёт ташкилотларининг бу борадаги фаолиятини ва жаҳоннинг энг яхши амалиётини чуқур ўрганиш асосида шифокор (тиббий) хатолари, касалликларни нотўғри диагностика қилиш ва даволаш ҳолатларини камайтиришнинг таъсирчан механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

мамлакат соғлиқни сақлашни бошқариш тизимига, шу жумладан, тиббиёт ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш ва назорат қилиш масалаларида хорижнинг энг яхши амалиётини мослаштирилган тарзда жорий этиш, шунингдек, фуқароларни тиббий суғурталашни жорий қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини яратиш;

хусусий, энг аввало, тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини фаол жалб қилиш, шунингдек, соғлиқни сақлашнинг хусусий тизимини жадал ривожлантириш мақсадида давлат-хусусий шерикликнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш ва мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимига жорий этиш;

хорижий (халқаро) тиббиёт ва бошқа ташкилотлар билан соғлиқни сақлаш масалалари бўйича ҳамкорликни йўлга қўйиш, шу жумладан, республика соғлиқни сақлаш тизимига грантлар, кредитлар, донорлик ва бошқа маблағларни жалб этиш мақсадида учрашувлар, музокаралар ва бошқа тадбирларни ташкил қилиш, шунингдек, ушбу маблағларнинг мақсадли ва самарали ишлатилишини мониторинг ҳамда назорат қилиш;

салоҳиятли инвесторлар, айниқса, хорижий инвесторларга республиканинг хусусий соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш учун инвестиция киритиш масалалари бўйича ахборот, маслаҳат, ҳуқуқий ва бошқа шаклларда, шу жумладан, бизнес-режалар ишлаб чиқиш ва таклиф этилаётган лойиҳаларни амалга оширишни молиялаштириш манбаларини жалб қилиш орқали ҳар томонлама кўмак кўрсатиш.

3. Белгилаб қўйилсинки, Миллий палата:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Жамият саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш илмий-тадқиқот институти ва унинг ҳудудий бўлинмалари негизида уларни молиялаштиришнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинган ҳолда ташкил этилади ҳамда уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўз таркибий бўлинмаларига эга бўлади, уларнинг тузилмалари ва низоми Миллий палата раиси томонидан тасдиқланади;

республика тиббиёт ва фармацевтика ходимларини бирлаштирувчи, республика соғлиқни сақлашни бошқаришнинг инновацион моделини жорий этиш, шу жумладан, ушбу қарорнинг 1-бандида белгиланган стратегик мақсадларга эришишни таъминлаш учун масъул ташкилот ҳисобланади;

соғлиқни сақлашни бошқаришнинг инновацион моделини жорий этиш соҳасида ҳамда ваколатига киритилган бошқа масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, давлат бошқаруви органлари, тиббиёт ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлашни бошқариш тизимини ислоҳ қилиш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда соғлиқни сақлаш соҳасидаги хорижий (халқаро) ташкилотлар билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш, шунингдек, соғлиқни сақлаш тизимига грантлар, кредитлар, донорлик ва бошқа маблағларни жалб қилиш ҳамда уларнинг мақсадли ва самарали ишлатилиши устидан мониторинг ва назоратни ташкил этиш бўйича ваколатли ташкилот ҳисобланади;

тиббиёт, фармацевтика ва бошқа ташкилотларнинг муассиси сифатида қатнашиш, соғлиқни сақлаш соҳаси ходимларининг малакасини ошириш бўйича тўлов-контракт асосида хизмат кўрсатишни ташкил этиш ҳуқуқига эга;

2020 йил 31 декабрга қадар республикада касбий фаолиятни амалга ошираётган шифокорлар ва провизорларни рўйхатга олиш тизимини жорий этишни, шунингдек, улар тўғрисида умумий фойдаланиш учун очиқ бўлган ягона электрон маълумотлар базасини яратишни таъминлайди.

Белгилансинки, 2021 йил 1 январдан шифокорлар ва провизорларнинг Миллий палатада рўйхатдан ўтмасдан фаолият юритиши тақиқланади.

4. Миллий палата ҳузурида қуйидагилар ташкил этилсин:

а) **Ўзбекистон Республикасида Соғлиқни сақлашнинг инновацион моделини жорий этиш бўйича маслаҳат кенгаши** (кейинги ўринларда – Кенгаш).

Белгилаб қўйилсинки:

Кенгашга Миллий палата раиси раҳбарлик қилади ҳамда унинг таркиби соғлиқни сақлаш соҳасидаги ташкилотлар раҳбарлари ва мутахассислари орасидан шакллантирилади;

Кенгаш соғлиқни сақлашни бошқаришнинг инновацион моделини жорий этиш соҳасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича Миллий палатанинг коллегиал маслаҳат органи ҳисобланади;

Кенгаш таркиби Миллий палата раиси томонидан тасдиқланади;

б) юридик шахс ташкил этмаган ҳолда, маблағлари тижорат банкидаги махсус, шу жумладан, валюта ҳисобварағида жамланадиган **Ўзбекистон Республикаси Инновацион соғлиқни сақлашни қўллаб-қувватлаш жамғармаси** (кейинги ўринларда – Жамғарма).

Қуйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

шифокорлар ва провизорларни рўйхатга олишни амалга оширишдан, шунингдек, улар фаолиятини лицензиялашдан тушадиган маблағлар;

шартнома асосида хизматлар кўрсатиш ва бошқа хўжалик фаолиятини амалга оширишдан тушумлар;

Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини банкларга жойлаштиришдан олинадиган даромадлар;

халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотларнинг грантлари;

хайрия қилувчилар – жисмоний ва юридик шахслар, Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентларининг маблағлари;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

5. Белгилаб қўйилсинки, Жамғарма маблағлари, шу жумладан, қуйидагиларга йўналтирилади:

Миллий палатани сақлаш, унинг фаолиятини моддий-техник таъминлаш ва ходимларини моддий рағбатлантириш;

халқаро стандартларга мувофиқ илғор тиббиёт ва фармацевтика ташкилотларини ташкил этиш, шунингдек, уларни замонавий ускуналар ва ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозлаш;

замонавий клиник қўлланмалар ва протоколлар, диагностика ва даволаш сифатига оид стандартлар, тиббиёт ташкилотларини моддий-техник жиҳозлаш стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этишни ташкил қилиш;

республика тиббиёт ва фармацевтика ташкилотларининг бинолари, иншоотлари ва бошқа инфратузилмасини қуриш, уларни замонавий ускуналар билан, шу жумладан, лизинг шартларида жиҳозлашга қайтариш шарти билан ва имтиёзли асосда маблағ ажратиш;

тиббиёт ва фармацевтика ходимларини хорижда тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, шунингдек, ўқитиш, малака ошириш ва тажриба алмашишни республикада ташкил этиш учун хорижий мутахассисларни жалб этиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш;

республика шифокорлари ва провизорлари тўғрисида умумий фойдаланиш учун очиқ бўлган ягона электрон маълумотлар базасини яратиш ва юритиш, шунингдек, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

соғлиқни сақлаш соҳасида хайрия фаолиятини амалга ошириш;

Миллий палата зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришга қаратилган бошқа тадбирларни молиялаштириш.

6. Миллий палата 2018 йил охирига қадар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Жамият саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш илмий-тадқиқот институти ва унинг ҳудудий бўлинмалари ходимларини аттестациядан ўтказсин ҳамда Миллий палатани юқори малакали мутахассислар билан тўлдиришни таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Миллий палатага 2018 йилда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Жамият саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш илмий-тадқиқот институти ва унинг ҳудудий бўлинмаларини сақлаш учун назарда тутилган маблағларнинг ажратилишини ҳамда кейинги йилларда маблағлар ҳажмларининг сақлаб қолинишини;

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш соҳасини бошқариш тизимини ислоҳ қилиш доирасида Миллий палатанинг асослантирилган ҳисоб-китоблари бўйича етакчи хорижий ташкилотлар, шу жумладан, "GMC Service International Ltd" (Буюк Британия) ташкилоти вакилларининг эксперт кўмагини жалб этишга доир харажатларнинг молиялаштирилишини таъминласин.

8. Белгилаб қўйилсинки:

Миллий палатага Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган раис раҳбарлик қилади;

Миллий палата раиси меҳнатга ҳақ тўлаш, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шарт-шароитларига кўра вазирнинг биринчи ўринбосарига тенглаштирилади;

Миллий палата раиси Миллий палата раиси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган биринчи ўринбосар ва икки нафар ўринбосарга эга;

Миллий палата раиси халқаро молия институтлари, чет эл ҳукумат молия ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг маблағларини жалб этишни назарда тутадиган битим ва бошқа ҳужжатларни, шунингдек, соғлиқни сақлаш соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш бўйича инвестиция битимларини ўрнатилган тартибда имзолаш ҳуқуқига эга;

Миллий палатанинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ислоҳотларни ҳуқуқий таъминлаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини мувофиқлаштириш хизмати ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, спорт ва туризм масалалари комплекси томонидан мувофиқлаштирилади;

соғлиқни сақлаш масалаларига оид ишлаб чиқилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари Миллий палатада экспертизадан ўтказилиши шарт;

Жамғарма маблағларини шакллантириш ва сарфлаш, шунингдек, Миллий палата ва унинг бўлинмалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш шартлари Кенгаш томонидан белгиланади.

9. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатасининг тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси фаолиятини ташкил этиш бўйича "Йўл харитаси" 2-иловага мувофиқ маъқуллансин.

10. Миллий палата раисига:

зарур ҳолларда Миллий палата тузилмасига белгиланган ходимлар сони доирасида ўзгартириш киритиш;

юклатилган вазифаларни бажариш доирасида давлат органлари, илмий-таълим муассасалари ва бошқа ташкилотлар, шу жумладан, хорижий ташкилотлар мутахассисларини, шунингдек, бошқа экспертларни маслаҳатчи сифатида шартнома асосида жалб этиш ҳуқуқи берилсин.

11. Қуйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А.Абдуҳакимов зиммасига – Миллий палатанинг Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, бошқа давлат бошқаруви органлари ва ташкилотлар билан самарали ўзаро ҳамкорлиги таъминланиши, шунингдек, соғлиқни сақлашни бошқаришнинг инновацион моделини жорий этиш бўйича чора-тадбирларнинг сифатли амалга оширилиши устидан таъсирчан назорат ўрнатилиши;

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.К.Шодмонов зиммасига – Миллий палата ва бошқа манфаатдор органлар ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда соғлиқни сақлашни бошқаришнинг инновацион моделини жорий этиш бўйича чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши юзасидан жавобгарлик юклансин.

12. Миллий палата манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда Миллий палата тўғрисидаги низомни тасдиқлашни назарда тутадиган ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин.

13. Миллий палата 2022 йил 1 январга қадар муддатда:

ягона ижтимоий тўловдан ташқари, барча турдаги солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалардан;

ўрнатилган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича республикада ишлаб чиқарилмайдиган ускуналар, компьютер техникаси, ўқитишнинг техник воситалари, адабиётлар, мультимедиа маҳсулотлари, қурилиш материаллари, инвентарь ва бошқа моддий-техника ресурслари учун божхона тўловлари тўлашдан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) озод этилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ислоҳотларни ҳуқуқий таъминлаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини мувофиқлаштириш хизмати 2018 йил якунларига кўра Миллий палата фаолиятининг самарадорлигини ўргансин ҳамда 2019 йил 1 февралга қадар муддатда унинг фаолиятини янада такомиллаштириш, шунингдек, шифокорлар ва провизорлар фаолиятини якка тартибда лицензиялаш тизимини жорий этиш бўйича таклифлар киритсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Миллий палатанинг буюртманомаларига биноан мазкур қарорни амалга ошириш доирасида жалб этилаётган чет эл мутахассислари, шу жумладан, халқаро экспертларга белгиланган тартибда кириш визаларининг консуллик ва бошқа йиғимлар ундирилмасдан расмийлаштирилишини таъминласин.

16. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Миллий палатанинг буюртманомаларига биноан мазкур қарорни амалга ошириш доирасида жалб этилаётган чет эл мутахассислари, шу жумладан, халқаро экспертларга белгиланган тартибда давлат божи ундирилмасдан кўп марталик кириш визалари берилишини (муддати узайтирилишини), шунингдек, уларнинг вақтинчалик яшаш жойларида вақтинча пропискага қўйилиши ва вақтинча прописка муддати узайтирилишини таъминласин.

17. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Миллий палата буюртманомаларига биноан белгиланган тартибда республикага чет эл мутахассислари, шу жумладан, халқаро экспертларни жалб этишга рухсатномалар берилишини (муддати узайтирилишини), шунингдек, ушбу чет эл фуқароларига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига тасдиқномалар берилишини (муддати узайтирилишини) таъминласин.

18. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Миллий палатани белгиланган тартибда ҳукумат ва шаҳар алоқаси билан таъминласин.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (А.Н.Арипов) Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда бир ҳафта муддатда Миллий палатанинг жойлаштирилишини таъминласин.

20. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Миллий палатага 6 та, шу жумладан, 4 та шахсий, 1 та юқори ўтиш қобилиятига эга бўлган ва 1 та навбатчи автотранспорт воситасини сотиб олиш ва сақлашга лимит ажратсин.

21. Миллий палата Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

22. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А.Абдуҳакимов, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О.Б.Муродов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М.Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2018 йил 2 август*

# УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Шунингдек, сессияда Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди раиси Б.Исламов, Фуқаролар ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди раиси Ў.Холов, Тошкент шаҳар Маъмурий суди раиси Н.Акбаров, Тошкент шаҳар Иқтисодий суди раиси Л.Абдуллаевларнинг ҳисоботлари атрофлича кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш борасида қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва кўрилган амалий тадбирлар мазкур соҳадаги давлат сиёсатини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди, суд ҳокимиятининг фуқаролар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдаги роли ва аҳамиятини тубдан оширди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида суд ҳокимиятининг том маънода мустақиллигини таъминлаш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш ушбу соҳадаги ислоҳотларнинг энг асосий йўналишлари этиб белгиланди.

Сессияда ҳар бир суд қарорининг ортида инсон тақдири мужассамлигини теран англаган ҳолда, қонуний, ҳар томонлама асослантирилган ва адолатли қарорлар қабул қилинишига эришиш, хусусан, белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар Дастури ишлаб чиқилиб, барча судьяларнинг аҳоли билан жойларда очиқ мулоқотлар ташкил этиш, "Халқ қабулхоналари"да сайёр қабуллар ўтказиши амалиёти йўлга қўйилганлиги таъкидланди.

Судьяларнинг ўз фаолиятлари юзасидан Судьялар олий кенгаши аъзолари иштирокида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида ахборот берилишини амалиётга киритиш бўйича вазифалар белгиланди.

Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг соғлиқни сақлаш соҳасида 2018 йилнинг иккинчи чорагидаги фаолияти юзасидан бошқарма бошлиғи У.Эгамбердиевнинг ҳисоботи тингланди.

Ушбу масала муҳокамаси жараёнида Соғлиқни сақлаш бош бошқармасига аҳоли орасида касалликларни эрта аниқлаш мақсадида туман марказий кўптармоқли поликлиникаларида тор мутахассисларни жалб қилган ҳолда чуқурлаштирилган тиббий кўриклар давом эттирилишини таъминлаш, бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторингини олиб бориш мақсадида ҳар чорак натижалари бўйича ҳисоботлари муҳокамасини ўтказиш, болаларга кўрсатилаётган тиббий ёрдамни ташкиллаштириш, замонавий диагностика ва даволаш технологияларини ҳар бир даволаш-профилактик муассасасида татбиқ этиш, 2018 йил Инвестиция дастурига киритилган Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси тизимидаги муассасаларни тармоқ жадвали асосида сифатли ва ўз вақтида қуриш ва таъмирлаш ишларини якунлаш вазифалари қўйилди.

Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасининг бошлиғи Ш.Урунов ҳисоботи юзасидан матбаа ва ноширлик соҳасидаги касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг амалиётларини ташкил этиш ҳамда битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш чораларини кўриш, нашриёт-матбаа корхоналарини дизайнер, рассом, иқтисодчи ва муҳандис-технологлар билан тўлдириш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш, матбуот ва ноширлик соҳасидаги корхоналарнинг етук мутахассислари билан ўрнак сифатида ўқувчилар билан учрашувлар ташкил этиш, кўргазмали иш фаолиятларини (видеороликлар ёки слайд кўринишларида), ўқувчиларга эришилган ютуқларини таништириш ишларини йўлга қўйиш, китоб тарғиботини янада кучайтириш мақсадида мактаблар, лицей ва касб-ҳунар коллежларида ёзувчи ва шоирлар билан мулоқотлар, янги нашр этилган китоблар тақдимотларини ўтказиб боришни йўлга қўйиш белгиланди.

"Сувсоз" давлат унитар корхонасининг раҳбари Т.Мирҳидоятов ҳисоботи муҳокама этилиб, Тошкент шаҳрида ҳудудларнинг ичимлик сув таъминотини яхшилаш ва оқава сув хизматлари кўрсатилишини давом эттириш ҳамда бу борада ишларни янада такомиллаштириш мақсадида хориж тажрибасини босқичма-босқич ўрганиш ва амалиётда қўллаш чора-тадбирларини белгилаб олиш вазифаси қўйилди. Ичимлик сувини бериш, сотиш ва канализация хизматлари кўрсатиш ҳажмлари бўйича чоракларга бўлган ҳолда даромадлар, харажатларни назарда тутувчи йиллик ишлаб чиқариш дастурларини ишлаб чиқиш, маънавий эскирган насос агрегатларини халқаро талабларга жавоб берадиган, замонавий, энергия жиҳатидан самарали насос агрегатларига алмаштириш йўли билан энергияни тежайдиган технологияларни жорий этишни давом эттириш ва иш самарадорлигини ошириш бўйича мавжуд агрегатларни хатловдан ўтказиб бориш бўйича ишчи гуруҳ тузиш ва мониторингини юритишни кўриб чиқиш белгиланди. Абонентларни тўлиқ хатловдан ўтказиш йўли билан абонент хизмати фаолиятини такомиллаштириш ва ичимлик сув ҳажмини ишлаб чиқариш, сотиш ва унинг учун ҳақ тўланишини кузатиб бориш мақсадида мониторинг олиб бориш, абонентлардан маблағлар тўпланиши даражасини ошириш, ҳисоб рақамларини тайёрлаш ва маблағ қўйиш жараёнини компьютерлаштириш ҳамда жорий қилинган биллинг тизимини янада такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, сессияда Тошкент шаҳар сайлов комиссияси томонидан тақдим этилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурининг ижросига оид Сайлов кодекси лойиҳаси атрофлича муҳокама этилди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг ўттиз тўққизинчи сессиясида кўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**(Ўз мухбиримиз)**

Муносабат

***Президентимизнинг 2017 йил 3 август куни ижодкор зиёлилар вакиллари билан учрашуви том маънода тарихий воқеа бўлди. Адабиёт, санъат, маънавиятга тааллуқли барча соҳалар фаолиятида туб бурилиш, янгиланиш даврини бошлаб берди.***

# ХАЛҚ МАЪНАВИЯТИНИ КИТОБ БЕЛГИЛАЙДИ

Ҳамма ўз ишига, фаолиятига мутлақо янги, ҳаётий реаллик, миллат руҳи, шаъни ва шавкати мезонларидан қараб ёндаша бошлади.

Президентимиз қаерга борса, вилоятлар, маҳаллалар, ҳарбий қисмлар ва санъат даргоҳлари бўлсин, албатта, кутубхоналарга кириб, ҳаммани китоб ўқишга тарғиб қилади. "Китобсиз – келажак йўқ" деган гаплари аллақачон даъватга айланиб бўлди. Ҳатто айрим газеталаримиз бу гапни ўзларига шиор қилиб олди. Атиги бир йилнинг у ёқ-бу ёғида юртимиз "Китоблар мамлакати"га айланди. Дунё тарихида шу пайтгача китоб ва китобхонликка дахлдор давлат миқёсида қарор чиқарган раҳбар бўлмаган экан.

Мени китобга алоқадор бир мутахассис сифатида яна шу нарса қизиқтирадики, қурилаётган янги уйлар, массивлар, ҳатто бошқа йўналишлардаги иншоотларда ҳам кутубхона, китоб дўконлари учун жой ажратилмоқда.

Ўша тарихий учрашувда Президентимиз барча соҳалар қатори ноширлик-матбаачилик масалаларига ҳам алоҳида тўхталди. Соҳани ривожлантириш, унинг моддий-техник базасини кучайтириш, энг муҳими, халқимизнинг маънавий дунёсини бойитадиган, савияси, руҳиятини кўтарадиган, ёшларни ватанпарварлик, фидойиликка чорлайдиган китоблар чоп этиш бўйича топшириқлар берди. Бу борада таъбир жоиз бўлса, "Ижтимоий буюртма" мақомидаги янги асарлар яратиш ва чоп этиш лозимлигини таъкидлади. Матбуот ва ахборот агентлиги, Ёзувчилар уюшмаси буюртмалари асосида замондошларимизнинг ҳаёти, фаолияти, фидойи меҳнати тараннум этилган кўплаб янги китоблар чоп этилмоқда ва улар бугун-эрта ўқувчилар қўлига етиб боради.

**Аҳрор АҲМЕДОВ,**
**"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош муҳаррири**

# МАҚСАДИМИЗ – ЗАМОНАМИЗ ҚАҲРАМОНЛАРИ ОБРАЗИНИ ЯРАТИШ

***Президентимиз 2017 йил 3 август куни ижодкор зиёлилар вакиллари билан учрашувда тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида маданият, адабиёт ва санъат соҳасини, жумладан, тасвирий санъат йўналишини ривожлантириш борасидаги долзарб вазифаларни белгилаб, уларни ҳал этиш йўлларини кўрсатиб берди. Ўтган қисқа муддатда ана шу таклиф ва ташаббусларни амалга ошириш бўйича давлатимиз раҳбари томонидан 10 га яқин фармон ва қарорлар қабул қилинди.***

Бу борада Ўзбекистон Бадиий академияси томонидан ҳам қатор тегишли чора-тадбирлар амалга оширилди ва бу жараён давом этмоқда.

Маълумки, мазкур учрашувда Президентимиз Бадиий академия фаолиятига тўхталар экан, бу ерда 2003 йилдан буён сайлов ўтказилмаганини, ҳозирги вақтда академияда 10 та ҳақиқий аъзолик ўрни бўшаб қолгани ҳолда, нега янги сайлов ўтказилмаётганини тушуниш қийин, дея таъкидлаган эди. 2017 йилнинг 21 сентябрида Ўзбекистон Бадиий академияси томонидан ҳақиқий аъзоликка сайлов ўтказилди. Унда иштирок этган 44 номзоддан 12 нафари сайланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 6 мартдаги "Ўзбекистон Бадиий академиясининг ҳақиқий аъзоларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори асосида янги ҳақиқий аъзолар рўйхати тасдиқланди.

Ишларни янада фаоллаштириш ва янги босқичга кўтариш мақсадида Бадиий академия томонидан ижодий уюшмалар, жумладан, бадиий ижодкорлар, композитор ва бастакор, ёзувчи, журналист, театр ва кино арбоблари уюшмалари билан ишлаб чиқилган аниқ режа асосида ўзаро ҳамкорлик алоқалари самарали йўлга қўйилди.

Ушбу ҳамкорлик доирасида 2017 йилнинг 21 сентябрь куни илк маротаба Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида кўплаб санъат ва маданият уюшмалари билан ижодий муносабатларни янада мустаҳкамлаш ҳамда яқиндан ўзаро танишиш мақсадида "Сўз, оҳанг ва тасвир" мавзуида ижодий кеча ташкил этилди. Қувонарлиси, бундай ижодий кеча анъана тусини олиб, ҳудудларда ҳам мунтазам ўтказиб келинмоқда. Жумладан, шу йилнинг 17-21 апрель кунлари мамлакатимиз миқёсида анъанавий тасвирий ва амалий санъат фестивали ўтказилди.

Замонамиз қаҳрамонлари образини яратиш, фаолиятини тарғиб этиш биз – ижод вакилларининг асосий вазифаларидан биридир. Бу борада Ўзбекистон Бадиий академияси томонидан ижодий режа ишлаб чиқилди. Унга мувофиқ "Замон қаҳрамони: кеча ва бугун", "Замонавий қаҳрамон образи" мавзуларида рангтасвир ва фотоасарлар, ҳайкалтарошлик йўналишларида ижодий танловлар ўтказиб келинмоқда. Шунингдек, академия тасаррруфидаги коллеж ва ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатларига республикамизнинг соҳага оид энг таниқли ижодкор зиёлилари бириктирилди. Эндиликда шу асосда бадиий таълимни самарали ташкил этиш, кўргазмали фаолиятни тўғри йўлга қўйиш, ёшлар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимизнинг 2017 йил 16 августдаги "Ўзбекистон Бадиий академияси фаолиятини ривожлантириш ва янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорида ҳам халқимизни тасвирий санъат намуналаридан баҳраманд этиш ва дизайн йўналишида фаолият олиб бораётган мутахассисларнинг ижодий имкониятларидан унумли фойдаланиш, улар учун зарур шарт-шароитлар яратиш, юртимизда ўтказилаётган кўргазмаларнинг бадиий савиясини ошириш борасида муҳим вазифалар белгиланди.

Бугунги кунда юртимизнинг чекка ҳудудларида Бадиий академия тизим ташкилотлари ва таълим муассасалари ҳамкорлигида халқ рассомлари, усталари билан болалар, ёшлар ва уларнинг ота-оналари учун "Бунёдкор халқим билан мулоқот – ижодим илҳоми" мавзусида мастер-класслар ва ижодий учрашувлар ташкил этилмоқда. Унда ёшларга соҳага оид қизиқарли билимлар, тавсиялар берилмоқда.

**Акмал НУРИДДИНОВ,**
**Ўзбекистон Бадиий академияси раиси**
**ЎзА**

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХАЛҚАРО МАЙДОНДА ЯНГИЛАНГАН ИМИЖИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ЯНГИ БОСҚИЧ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Тадбир иштирокчиларига мамлакатимизда диний эркинликни таъминлаш ва маърифатли ислом ғоясини тарғиб қилиш, жамиятнинг дунёвий хусусиятини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар тўғрисида маълумот берилди. Ўзбекистонда 140 миллат ва 16 конфессия вакиллари тинч-тотув истиқомат қилаётгани, улар мамлакат сиёсий-ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этаётгани қайд этилди.

Брифингда Глобал жалб этиш институти президенти Ж.Чен бугунги кунда турли мамлакатлар вакиллари асосан диний таъқиб кучайиб бораётгани ва бутун дунёда эркинликлар чекланаётганини билдираётганини таъкидлади. Бундай шароитда мазкур соҳада "Ўзбекистон ягона умид учқуни ва хушхабарлар манзилига айланмоқда", деди у.

Оқ уй расмий вакили Ж.Колберт брифингда "Шавкат Мирзиёев Президент лавозимидаги фаолиятини бошлаганидан буён Ўзбекистон инсон ҳуқуқларини таъминлаш, болалар меҳнатига барҳам бериш, ижтимоий адолатни таъминлаш йўлидаги ислоҳотларни амалга ошириш ва жамиятни янги ғоялар сари илҳомлантиришда улкан муваффақиятларга эришди", деб таъкидлади. Унинг айтишича, Ўзбекистон 2018 йилда эътиқод эркинлигини таъминлаш каби комплекс масалани ҳал қилиш учун сиёсий иродага эга давлат модели бўлиб хизмат қилади.

"Ушбу янгиланишлар нафақат ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлаш, балки мамлакатнинг Америка бизнеси учун инвестицион жозибадорлигини ошириш имконини бермоқда", деб алоҳида қайд этди Ж.Колберт.

Бу фикрни таниқли сиёсат арбоби, Диний эркинлик соҳасида алоҳида топшириқлар бўйича элчи С.Браунбэк ҳам тасдиқлади. Унинг айтишича, инвестиция жалб этиш билан боғлиқ кўплаб муаммолар, аввало, компаниялар инсон ҳуқуқи бузилаётган мамлакатларда бизнес юритиш орқали ўз обрўсига путур етказишдан ҳайиқиши билан изоҳланади. "Ўзбекистоннинг янги қиёфаси" шаклланаётган бугунги кунда АҚШ ва бутун дунё ишбилармон доираларини мамлакатга жалб этиш учун мисли кўрилмаган имкониятлар пайдо бўлди. Айнан бугун АҚШ капитали бозорларига чиқиш ва маблағларни жалб этишда фаол иштирок этиш фурсати келди", деди С.Браунбэк.

Америка – Ўзбекистон савдо палатаси раиси К.Лэмм хоним ушбу фикрни қўллаб-қувватлар экан, Ўзбекистон Республикасининг дин эркинлиги масалалари бўйича илк конференциядаги иштирокига юксак баҳо берди. Унинг айтишича, Ўзбекистоннинг ушбу муҳим халқаро форумга таклиф этилгани, маърузаларда айнан Ўзбекистон ушбу соҳада ислоҳотларни амалга оширишнинг ижобий мисоли сифатида тилга олингани "мамлакат рейтингини оширишда устувор аҳамиятга эга ҳамда бу Ўзбекистон Республикасининг ривожланиши, жумладан, инвестицион жозибадорлиги ортишига, албатта, ижобий таъсир кўрсатади".

Ўзбекистон делегациясининг диний эркинликлар бўйича ўтказилган илк конференциядаги иштироки мамлакатимизнинг халқаро майдонда янги қиёфаси шаклланганини ҳамда юртимизда рўй бераётган ижобий ўзгаришлар жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилаётганини яна бир бор тасдиқлади.

**Содиқ САФОЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари**
**ЎзА**

## "Обод маҳалла" дастури — амалда







***Бугунги кунда пойтахтимизда "Обод маҳалла" дастури ижроси йўлида "Тоза канал" кампанияси доирасида ҳар бир секторда биттадан, жами 44 та ишчи гуруҳ, ишларни назорат қилиш ва мувофиқлаштириб бориш бўйича Тошкент шаҳар ва Республика штаблари, шунингдек, Сенат аъзолари, депутатлар, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ходимларидан иборат 11 та тарғибот гуруҳи фаолият кўрсатмоқда.***

# ШАҲРИМИЗ КАНАЛЛАРИ: БЕБАҲО НЕЪМАТНИНГ ҚАДРИГА ЕТАЙЛИК

Тарғибот гуруҳлари аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб бормоқда. Бугунги кунга қадар Тошкент шаҳрида 130 дан зиёд бундай тадбир ўтказилиб, уларда "Тоза канал" кампаниясининг аҳамияти, сувнинг қадр-қимматига етиш, унинг тозалигини сақлаш, каналларга туташ бўлган ҳудудларни ободонлаштириш, уларнинг санитария ҳолатини яхшилаш, қирғоқбўйи ҳудудларида жойлашган ноқонуний қурилмаларни йўқ қилиш, биноларни бузишга огоҳлантиришлар бериш, зарур ҳолларда судга даъво аризалари киритиш, қонуний турар жойлари бузилган мулк эгаларига етказилган зарарни қоплаш каби масалалар атрофлича муҳокама қилинмоқда.

Ер юзидаги тириклик манбаи бўлган сувни тежаб ишлатиш, ариқлардан оқиб келаётган оби ҳаётнинг тозалигини сақлаш азалдан халқимизга хос энг эзгу қадриятлардан бири саналади. Зеро, яхшиликка интилиб яшаган миллатимиз, қаерни ўзига маскан тутишидан қатъи назар барча жойларга ариқ қазиб, сув олиб келиб, яшаган ерини обод этишга ҳаракат қилган. Тошкент шаҳридаги каналлар тизими ҳам бунинг ёрқин мисолидир. Маълумки, шаҳримиз бўйлаб оқиб ўтган катта ариқлар қадимдан аҳолини сув билан таъминлаб келган, маиший эҳтиёжлардан ташқари суғорма деҳқончилик, боғдорчилик, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш каби мақсадларга хизмат қилган.

Шу боисдан ота-боболаримиз сувни ўзига хос қадрият билиб, доимо ёшларни уни тоза сақлашга ундаганлар. Лекин, афсуски, бугунги кунда ана шундай муносабатни кам учратмоқдамиз. Қачонлардир зилол, тиниқ сувлар оққан каналларимиз бўйлари кўп жойларда чиқиндихонага айлантирилганлиги, улар қирғоқларида манзарани бузадиган, атроф-муҳитга зарар етказадиган бино ва иншоотларнинг ўзбошимчалик билан қуриб олинганлиги, сувга оқавалар ташланаётганлиги киши кўнглини хира қилади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, "Тоза канал" деб номланган кенг кўламли тадбир доирасида амалга оширилаётган ишлар ҳам шулар жумласидандир. Хусусан, айнан шу масалада Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, тегишли штаблар ва ишчи гуруҳлар томонидан шаҳримиз бўйлаб оқиб ўтган магистрал канал, бошқа ариқ ва зовурларнинг аниқ рўйхати тузилди, уларнинг ўлчами ҳамда сув ўтказиш қобилияти аниқланди, обод этилиши лозим бўлган қирғоқбўйи ҳудудлари белгиланди.

Сергели туманида жойлашган "Халқобод" маҳалласида бўлиб ўтган йиғилишда ишчи гуруҳ аъзолари, шу жумладан сенаторлар, депутатлар, 4 та сектор раҳбарлари, ҳокимлик мутасаддилари, маҳалла фаоллари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Мажлис иштирокчилари жорий ишларни таҳлил қилиб, туманда амалга оширилиши лозим бўлган тадбирларга алоҳида эътибор қаратди.

Айтиш ўринлики, Сергели тумани бўйлаб узунлиги 40 километр бўлган 19 та канал ўтган. Шаҳар бўйича тузилган сувни ифлослантирувчи манбаларнинг аниқ рўйхатига кўра тумандаги бундай иншоотларнинг фаолияти назоратга олиниб, мавжуд муаммоларни бартараф этишга киришилди. Ҳозирда ариқлар қирғоқларини тозалаш ва ободонлаштириш ишларига юзлаб ишчи ва кўплаб махсус техника жалб этилди. Масалан, тумандаги 4 секторга 120 нафардан ортиқ ҳашарчи, Навоий вилоятидан келтирилган турли кўринишдаги 12 та техника жалб қилинди. Тумандаги 18 километрдан ортиқ каналларда тозалаш ишлари олиб борилди. 3 минг 340 тонна ахлат ва бошқа турдаги чиқиндилар олиб ташланди. 270 дан ортиқ дарахт шохлари кесилиб, уларга кўркам қиёфа ёки шакл берилди. Каналларнинг қирғоқбўйларини мустаҳкамлаш ва ободонлаштириш мақсадида 1880 тоннадан ортиқ тупроқ ётқизилди. Натижада туман қиёфаси манзараси кун сайин ўзгармоқда.

Кенг кўламли ишларга жалб этилган техникаларга ёқилғи ва бошқа зарур материалларни ўз вақтида етказиб бериш масалалари ҳам диққат марказида турибди. Қирғоқбўйи ҳудудларидаги ноқонуний ва ночор аҳволдаги турар жой ва иншоотларни бузиш жараёнида тартиб ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, барча ишларни тизимли ва режали олиб бориш мутасадди ташкилотларнинг назоратига олинган. Натижада бир қарашда ўта мураккаб ва чигал кўринган ишлар ўз вақтида, батартиб ва энг асосийси, самарали олиб борилмоқда.

— Мана кўриб турибсиз, туманимиздан ўтган канал бўйларида кенг кўламли ободончилик ишлари амалга оширилмоқда, — дейди "Чоштепа" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Тоҳир Орипов. — Ҳудудимиздан ўтган Жўнариқ канали атрофини ўн икки метр доирасида тозалаш ишлари ташкил этилмоқда. Мана бу канал бўйидаги чойхона талабга жавоб бермагани учун бузилмоқда.

Яшнобод туманига бириктирилган тарғибот гуруҳи томонидан ўтказилган йиғилишда туман ҳудудидан оқиб ўтувчи каналлар атрофини синчиклаб ўрганиш, амалга оширилиши лозим бўлган ишларни ўз вақтида бажариш, ҳудудларни ободонлаштириш каби муҳим масалаларга эътибор қаратилди.

Яшнобод тумани ҳудудидан узунлиги 57 километр бўлган 20 та канал ўтган. Бугунги кунга қадар туман ҳудудидан оқиб ўтувчи каналларнинг аксар қисми тозаланмаган. Каналлар бўйидаги 48 та ноқонуний қурилмани бузиш бўйича тегишли чоралар кўрилмоқда. Бундай иморат мулкдорлари билан тушунтириш ишлари олиб борилаётгани туфайли улар амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар мазмун-моҳиятини, уларнинг мақсади аввало инсон манфаатларига қаратилганини англаб етмоқдалар. Шунинг самараси ўлароқ 16 та ноқонуний қурилма эгалари томонидан ихтиёрий равишда бузилгани фикримизнинг ёрқин далилидир.

Жазирама ёз кунларида шаҳримиз бўйлаб оқиб ўтган катта ариқлар бўйидаги салқин, баҳаво манзара кишига ором бахш этади. Лекин каналлар атрофида дилни хира қиладиган манзараларни ҳам кўплаб учратиш мумкин. Бу йиллар давомида тўпланиб қолган кўпгина муаммоларнинг бир қисми, холос. Хусусан, ташландиқ ва кўримсиз чиқиндихонага айлантирилган, ўзбошимчалик билан турли иморатлар қуриб олинган қирғоқлар қачонлардир яшнаган маскан бўлганига ишониш қийин. Уларни янада обод қилиш, каналлар соҳили ва туташ ҳудудларни кўкаламзорлаштириш, энг муҳими, одамларнинг муносабатини ўзгартириш анчагина куч ва маблағ талаб этувчи кўламдор фаолиятдир.

Анҳор, Салор, Бўзсув, Қорасув, Жўнариқ... Тошкент шаҳри ҳудудидан оқиб ўтаётган ҳар бир канал ўз тарихи ва вазифасига эга. Пойтахт атрофидаги булоқ ва ҳавзалардан сув олган бу ирригация тармоқлари қадимдан шаҳримизни оби ҳаёт билан таъминлабгина қолмай, унинг иқлими, ижтимоий ва иқтисодий тараққиётини, ҳаттоки маданиятини ҳам кўп жиҳатдан белгилаган.

Жумладан, канал ва ариқлар ўзанини доимий равишда тозалаб туриш, улар атрофини обод этиш ишларига аҳоли бир ёқадан бош чиқариб, ҳашар усулида ёндашган. Шу туфайли Тошкент доимо обод бўлган, баҳорги қор ва ёз жазирамасида тоғ чўққиларида муз эриши мавсумида ҳам ариқларимизнинг сув ўтказиш қобилияти юқори бўлгани туфайли табиий офатлар шаҳарни четлаб ўтган. Шу боисдан ҳам бу тармоқлар қадимдан бизгача деярли ўзгармай етиб келиб, бугунги кунда ҳам инсонларга хизмат қилмоқда.

Бироқ, таассуф билан айтишимиз кераккки, сўнгги йилларда катта-кичик ариқларимиз ва улар атрофидаги ҳудудлар ачинарли аҳволга келиб қолди. Марказий Осиёдаги энг кўркам шаҳарлардан бири бўлган пойтахтимиз қиёфасини бузувчи уюм-уюм чиқиндилар, ўзбошимчалик билан қуриб олинган иншоотлар, қачонлардир ариқлар ўзанини тўлдириб оққан зилол сувларга ташланган оқавалар... Бу муаммоларнинг барчасига ҳар биримиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Бундай ҳолатга олиб келган кўплаб салбий омиллар орасида биттаси борки, унга сабабчи ҳам ўзимиз, ўзгартириш ҳам ўз қўлимизда. Бу ҳам бўлса одамларнинг, яъни сизу бизнинг сувга муносабатимиз. Зеро, агар ҳар биримиз ота-боболаримиздек сувни қадрият билиб, уни эъзозлаганимизда, каналларнинг ҳозирги ҳолатга келиб қолишига йўл қўймас эдик.

Пойтахтимизнинг Миробод туманидан жами 4 та – Салор, Қорасув, Толариқ, Баратхўжа каналлари оқиб ўтади. Уларнинг 15.8 км. қисми туман ҳудудига тўғри келади.

Қирғоқбўйи минтақаларида ноқонуний қурилмаларни бартараф этиш ва ободонлаштириш бўйича 4 та ишчи гуруҳи тузилган бўлиб, улар томонидан хатлов давомида каналлар бўйлаб 306 та объект жойлашганлиги, шулардан 202 таси ноқонуний қурилма эканлиги аниқланди. Бу борада тегишли тартибда огоҳлантириш хатлари берилиб, фуқаролик ҳамда иқтисодий судларга 191 та даъво аризаси киритилган.

Каналлар бўйида жойлашган ноқонуний қурилмаларнинг 56 таси уларнинг эгалари томонидан ихтиёрий равишда бузиб ташланди. Туманда ўтказилган учрашувларда ҳам айнан шу жиҳатга урғу берилди. Кенг кўламли "Тоза канал" тадбири иштирокчилари бўлган сенаторлар, маҳаллий кенгаш депутатлари, ҳокимлик ва мутасадди идоралар вакиллари маҳаллаларга бориб, амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишдилар, аҳоли билан суҳбатлар ўтказдилар.

Ёзнинг айни иссиқ кунлари бўлишига қарамай, каналлар атрофида иш қизғин...

Ўнлаб махсус техника, машина ва механизмлар, юзлаб ишчи ва ҳашарчилар қирғоқ бўйларида тозалаш ва таъмирлаш ишларини амалга оширишда сув оқимига тўсқинлик қилувчи дарахт ва буталарни кесиш, ўзанларни тозалаш, қирғоқларни мустаҳкамлаш билан шуғулланмоқда. Бунда энг асосийси, одамлар орасида тушунтириш ишларини кучайтиришга урғу бериляпти. Миробод тумани шаҳримизнинг индустриал ҳудудларидан бири эканлигини ҳисобга олиб, саноат ва ишлаб чиқариш объектларини сувдан узоқлаштиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Албатта, ушбу кенг кўламли тадбир доирасида сарфланган маблағлар, жалб этилган кучлар кутилган натижани беради. Бироқ, одамларнинг сувга муносабати ўзгармас экан, унинг бебаҳо неъмат, қадрият эканлигини токи барчамиз англаб етмас эканмиз, асрлар қаъридан то бугунги кунгача шаҳримизга оби ҳаёт олиб келаётган, ота-боболаримиз меҳнати билан бунёд бўлган ариқлар кўнгилдагидек ҳолатга келмайди. Шундай экан, барча неъматларни борида қадрлайлик...

**З.ШАРИФЖОНОВ**
**Т.Комилов олган суратлар**

# МУҲОКАМАДАН СЎНГ...

***Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасида "Давлат божхона хизмати тўғрисида"ги қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси муҳокамасига бағишланган кенгайтирилган йиғилиш ўтказилди.***

Унда парламент аъзолари, Давлат божхона қўмитаси масъул ходимлари иштирок этди.

"Давлат божхона хизмати тўғрисида"ги қонун 1997 йилда қабул қилинган бўлиб, унинг кўпгина нормалари бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Президент Шавкат Мирзиёев белгилаб берган устувор вазифалар, ўзгариб бораётган шарт-шароит ва стандартлар уни янги таҳририда қабул қилишни тақозо этмоқда.

"Давлат божхона хизмати тўғрисида"ги қонуннинг янги лойиҳаси Қонунчилик палатаси томонидан биринчи ўқишда қабул қилинган. Бугунги кунда Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси уни иккинчи ўқишга тайёрламоқда.

Йиғилишда янги қонундан кўзланган мақсадлар, унинг мазмун-моҳияти ҳақида сўз борди, лойиҳани маромига етказиш бўйича таклиф ва тавсиялар кенг муҳокама қилинди. Лойиҳани иккинчи ўқишда муҳокама қилиш учун тез кунда Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисига киритиш бўйича вазифалар белгилаб олинди.

**(ЎзА)**

Жиноят ҳақиқати ва адолат

# ФАРЗАНДИНГИЗ НАЗОРАТИНГИЗДАМИ?

***Фарзанднинг хулқ-атвори, ахлоқининг қай даражада шаклланиши унинг оиласи, ота-онасига боғлиқ. Оилада назоратсизлик, носоғлом муҳит вужудга келган бўлса, фарзанд тарбиясига путур етиши шубҳасиз.***

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, аввало, инсон манфаатлари, қолаверса, келажагимиз эгалари – навқирон авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашга йўналтирилган.

Ёшларнинг замонавий билим чўққиларини эгаллаши, ўз иқтидори ва қобилиятини рўёбга чиқариши учун кенг имкониятлар яратиш баробарида вояга етмаган ёшларимизнинг турли жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этишининг олдини олиш бўйича ҳам тизимли ишлар бажарилмоқда.

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманида ҳам вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунда туман ҳокимлиги, халқ таълими, ички ишлар бўлимлари, Ёшлар иттифоқи туман кенгаши, ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда таълим муассасаларида олиб бораётган учрашувлар муҳим аҳамият касб этаётир.

Туманда ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларни фойдали ишларга йўналтириш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан жорий йилнинг январь-июль ойларида "Гиёҳвандликка қарши", "Ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш", "Жаҳолатга қарши маърифат" каби 260 дан зиёд маънавий-маърифий ҳамда профилактик тадбирлар ташкил этилди. Бунинг натижасида дарсга мунтазам равишда қатнашмасдан келаётган 30 нафар вояга етмаган ўқувчи (8 та мактаб, 22 та коллеж-лицей ўқувчилари) мактабга қайтарилди. Давомати паст ёки доимий равишда дарс қолдираётган ўқувчилар ва уларнинг ота-оналарига 70 га яқин ҳужжатлар расмийлаштирилиб, туман ҳокимияти ҳузуридаги Вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиясига юборилди. Ҳуқуқбузарлик ва жиноят қилишга мойил бўлган 56 нафар вояга етмаган шахс, 14 нафар ёш ҳамда 16 нафар фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ота-она профилактик ҳисобга олинди.

– Кўпчилик ота-оналар фарзандини моддий таъминлаш билан чегараланиб, тарбияга иккинчи даражали иш сифатида қарамоқда. Натижада ҳаётнинг паст-у баландига тушунмайдиган, ҳали вояга етмаган ўсмир осонгина йўлдан адашиб қолмоқда, – дейди Шайхонтоҳур тумани ички ишлар бўлими бошлиғининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари Дониёр Раҳматов. – Туман миқёсида доимий равишда ўтказилаётган профилактик тадбирларимиз ижобий натижа бермоқда. Жумладан, маҳаллалар, кўчалар фаоллари ва маҳалла нозирлари берган тавсияларга кўра, профилактик ҳисобда турган 50 нафар вояга етмаган шахс тарбияси яхшиланган, 7 нафар фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ота-онанинг турмуш тарзи ижобий томонга ўзгарган. Шу боис улар профилактик ҳисобдан чиқарилди.

Туман ички ишлар бўлими берган маълумотига кўра, ёшлар бандлиги масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 6 ой давомида ёшлар ва вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ҳуқуқбузарлик ва жиноят келиб чиқишини олдини олиш, бандлигини таъминлаш бўйича туман мутасаддилари билан ҳамкорликда 420 нафардан зиёд фуқаро ишга жойлаштирилган, шундан 254 нафарини ёшлар ташкил этади.

Профилактика инспекторлари томонидан вояга етмаганларга таълим-тарбия бериш мажбуриятини бажармаган ота-оналар билан мунтазам тушунтириш ишлари олиб борилиб, огоҳлантиришлар берилмоқда, уларнинг ҳаракатлари маҳалла фаоллари орасида кенг муҳокама этилмоқда.

– Фарзанд тарбияси, одоб-ахлоқи у вояга етаётган муҳитга кўп жиҳатдан боғлиқ, – дейди тумандаги "Кўкча" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Санжар Каримов. – Шу боис ҳам аждодларимиз бир болага етти маҳалла ота-она, деб бежиз айтишмаган. Тарбия тўғри олиб борилмаган оилада бола худбин бўлиб улғаяди. Унда ҳалол меҳнатга, касб-кор эгаллашга ёки билим олишга бўлган лаёқат аста-секин йўқола боради. Охир-оқибатда бу уни жиноят кўчасига бошлаб боради. Шунинг учун бола тарбиясига совуққонлик билан қараган, фарзандларининг хатти-ҳаракатларига бепарво бўлган ота-оналар билан учрашиб, уларга доимий равишда тушунтиришлар бераяпмиз.

Психологларнинг таъкидлашича, ота-оналар ёхуд уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан болаларга уларнинг ёши, руҳияти ва дунёқарашидан келиб чиқиб муносабатда бўлмаслик, нотўғри тушунтириш ёки қўпол сўзлар билан онгига таъсир этиш оқибатида бола тарбиясида нуқсон ҳосил бўлади. Натижада ўзи қилаётган ишининг моҳиятини тўлиқ тушуниб етмаган ўсмир турли ҳуқуқбузарлик ёки кичик жиноятларга қўл уради.

Туманда ижтимоий-маънавий муҳити нотинч оилалардаги фарзандлар тарбияси ва манфаатларини муҳофаза қилиш, оиладаги вазиятни барқарорлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундан кўзланган мақсад каровсиз юрган вояга етмаганларни назоратга олиш, уларни фойдали машғулотларга жалб қилишдан иборатдир.

Ёшларнинг мактабдан бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, улар орасида соғлом турмуш тарзи ва оммавий спортни кенг жорий этиш мақсадида спортнинг 20 дан ортиқ тури билан доимий равишда шуғулланиш учун барча шароит яратилган. "Умид ниҳоллари", "Соғломжон полвонжон", "Футболимиз келажаги", "Соғлом фарзанд юрт келажаги" каби спорт мусобақалари жисмоний тарбия ва спорт улар ҳаётининг ажралмас қисмига айланишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Туманда вояга етмаган ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш мақсадида мактаб, мактабдан ташқари таълим муассасаларида дурадгорлик, кулолчилик, тикувчилик, тўқувчилик, рассомчилик бўйича ўқув курслари йўлга қўйилган. Ёшлар моҳир ҳунармандлардан касб сирларини мунтазам равишда ўрганмоқда.

**Даврон СУННАТОВ,**
**ЎзА мухбири**

# ЁШЛАР БИЛАН УЧРАШУВДА МУАММОЛАР ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА

***Мирзо Улуғбек истироҳат боғида "Yoshlar – kelajagimiz" Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида Инновацион ривожланиш вазири Иброҳим Абдураҳмонов ҳамда Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги мутасаддилари тумандаги ёшлар билан учрашув ўтказди.***

Учрашув давомида ёшларни қийнаётган муаммолар тингланиб, саволларига батафсил жавоблар берилди.

Тадбирга келган ёшларнинг аксарияти фаол, ғайрат-шижоатли эканликлари учрашувга келган мутасаддиларни қувонтирди. Ёшларнинг аксариятида маълум тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш учун ғоялари, ўйлаб қўйган режалари бўлиб, улар ишларини бошлаб олишлари учун кредитлар, жой олишда қийинчиликларга дуч келаётганларини айтишди. И.Абдураҳмонов "Yoshlar – kelajagimiz" Давлат дастурига асосан ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, ғоялари ва лойиҳаларини амалга ошириш учун тижорат банклари орқали йиллик 7 фоиз ставка билан имтиёзли кредит ва мол-мулкни лизингга бериш йўлга қўйилгани ҳақида тушунтирди, шунингдек, учрашувга келган банк мутахассисларига ёшларнинг кредит олишлари ва тўғри фойдаланишларини таъминлаш мақсадида уларга бизнес-режа тузишларида амалий ёрдам беришлари ҳақида айтиб ўтди.

Учрашувга нафақат ёшлар балки, айрим ёшларнинг оналари ҳам келдики, улар фарзандларига доир муаммоларни ҳал қилишларини сўраб мурожаат қилди. Оналарни қийнаётган масала бу коллеж, лицейларда, мактабларнинг юқори синфларида ўқийдиган фарзандларини ишга жойлаштириш, уй-жой масалалари бўлди. Шунингдек, ёшларни ҳарбий хизматга жўнатиш масаласи ҳам кўтарилди.

Бундан ташқари, учрашувда тайёр дастурий лойиҳалари бор ёшлар гуруҳи ҳам ўз ишланмаларини намойиш этди. Улар вазирликка таклиф этилиб, лойиҳани амалга оширишда бевосита кўмак берилишига келишилди.

Учрашув самимий, очиқ мулоқот шаклида ўтди. Таниқли санъаткорлар, ҳарбий оркестр, болалар спорт секциялари қатнашчиларининг чиқишлари тадбирга кўтаринки руҳ бағишлади.

**Гулҳаё МАЪРУФОВА**

Спорт янгиликлари

# ПЕШҚАДАМ ОЧКО ЙЎҚОТДИ

***Футбол бўйича Ўзбекистон Суперлигасининг 19-тур баҳсларида "Навбаҳор" ва "Пахтакор" жамоалари ўзаро рақобатлашди.***

Наманган шаҳрида ўтган ўйинда ҳар икки жамоа вакиллари дастлабки бўлимда тенг кураш олиб борди. Иккинчи бўлимнинг 52-дақиқасида "Навбаҳор" ўйинчиси Шерзод Каримов жарима тўпини Игорь Голбанга узатди, ушбу вазиятдан унумли фойдаланган Игорь боши билан дарвозани ишғол қилди ва жамоасининг 1:0 ҳисобидаги ғалабасини таъминлади.

"Қўқон-1912" жамоаси ўз майдонида "Сўғдиёна" клубини 2:1 ҳисобида мағлуб этган бўлса, "Бухоро" сафарда "Қизилқум" устидан 1:0 ҳисобида ғалаба қозонди.

Турнирнинг марказий учрашуви "Локомотив" ва "Бунёдкор" жамоалари ўртасида ўтди. Унда "темирйўлчилар" рақибини 3:1 ҳисобида мағлуб этди. Қаршида "Насаф" жамоаси "АГМК" клубига 0:2 ҳисобида имкониятни бой бериб қўйган бўлса, "Металлург" эса "Нефтчи" устидан 1:0 ҳисобида зафар қучди.

19-турдан сўнг мусобақа жадвалида "Пахтакор" клуби 42 очко билан етакчилик қилмоқда. "Бунёдкор" клуби 36 очко билан иккинчи, "Локомотив" эса 35 очко билан учинчи поғонадан жой олган.

# ЭЪТИБОР ВА ИМКОНИЯТ МАҲСУЛИ

***Болгариянинг Пловдив шаҳрида байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича 23 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида ўтган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси муваффақиятли иштирок этди.***

Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида спортчиларимизни жамоатчилик вакиллари, оила аъзолари, спорт мухлислари кутиб олди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 9 мартдаги Ўзбекистон спортчиларини 2020 йил Токио шаҳрида (Япония) бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларига тайёрлашга оид қарори спортчиларимизнинг халқаро миқёсдаги нуфузли мусобақаларга ҳар томонлама пухта тайёрланиши ва муносиб иштирок этиши, терма жамоаларни янги истеъдодлар билан бойитишда муҳим омил бўлаётир.

Бунинг самарасини Пловдив шаҳрида байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича 23 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида ўтган жаҳон чемпионати мисолида ҳам кўриш мумкин.

Жаҳоннинг 85 мамлакатидан келган 500 нафарга яқин спортчилар иштирок этган мазкур жаҳон чемпионатида спортчиларимиз иккита кумуш медални қўлга киритди.

Чемпионатнинг қизлар ўртасида ўтган С-2 йўналишида 200 метрлик масофага эшкак эшган Дилноза Раҳматова ҳамда Нилуфар Зокирова тандеми каноэда эшкак эшиш бўйича жаҳон чемпионатининг кумуш медалини тақдим этди.

Шунингдек, йигитлар ўртасидаги С-2 қайиғида 500 метр масофага эшкак эшган Артур Гулеев ва Элёржон Мамадалиев терма жамоамизга кумуш медални келтирди.

– Бу мамлакатимизда биз, ёшларга қаратилаётган доимий эътибор ва яратилаётган имконият самарасидир, – дейди Дилноза Раҳматова. – Биз келгусида Олимпия ва Осиё ўйинларида ҳам шоҳсупага кўтарилиш учун бор кучимизни ишга соламиз.

**Ж.ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА мухбири**



# ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ ВЬЕТНАМГА ЙЎЛ ОЛИШДИ

***Ўзбекистон футбол ассоциацияси терма жамоаларга бўлажак катта мусобақаларга тайёргарлик кўриш учун шарт-шароитлар яратишда давом этади.***

Асосан 1997 йил ва ундан кейин туғилган футболчилардан ташкил топган Ўзбекистон олимпия терма жамоаси Вьетнамда ташкил этилаётган халқаро мусобақага жўнаб кетди.

Равшан Хайдаров бошчилигидаги олимпия терма жамоаси Индонезияда бўладиган Осиё ўйинларида иштирок этиши сабабли Вьетнамдаги мусобақага терма жамоамизни катта мураббий Суннатилла Абдурасулов олиб боради. Токиода 2020 йилда ўтказиладиган олимпиада ўйинларининг саралаш босқичида иштирок этадиган жамоага ушбу икки терма жамоадан номзодлар танлаб олинади.

Дастлаб, Тошкент шаҳрида йиғин ўтказган терма жамоамизга Вьетнамдаги халқаро мусобақада Вьетнам, Уммон ва Фаластин олимпия терма жамоалари рақиблик қилишади. Мусобақа беш кун давом этиб, унда футболчиларимиз учта ўйинда майдонга тушади.

# ТАЙЁРГАРЛИК МАШҒУЛОТЛАРИ ЎТКАЗИЛМОҚДА

***Байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича терма жамоамиз аъзолари Индонезияда бўлиб ўтадиган Осиё ўйинларига тайёргарлик машғулотларини белгиланган режа асосида, зиммаларидаги масъулиятни ҳис қилган ҳолда олиб бормоқдалар.***

Бунгача спортчиларимиз халқаро мусобақаларда, йиғинларда иштирок этиб, ўз маҳоратларини оширдилар.

Терма жамоамизнинг дастлабки гуруҳи (11 нафар спортчи) мураббийлар — Александр Пономарёв, Вячеслав Шубин, Михаил Брусчальскилар қўл остида Тошкент денгизида йиғинларни бошлаган эди. Иккинчи гуруҳдаги 9 нафар спортчи эса куни кеча Рустам Мирзадиёров ва Вячеслав Сергеевлар бошчилигида навбатдаги йиғинга киришдилар.

Машғулотлар 19 августга қадар давом этади. Осиё ўйинларида байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича беллашувлар Палембанг шаҳрида 25 августдан сўнг старт олади.

**Ботир ХЎЖАЕВ**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти "Темир йўл обод" мажмуасига жорий йилда Германия давлатидан сименталь зотига тегишли қорамоллар олиб келиниши, шунингдек, сутни қайта ишлаш цехи (10 тонна, сут, қаймоқ, пишлоқ в.к.) молларни соғиш зали Германия ускунасини (24,28 талик) ва гўштни қайта ишлаш цехи (кунига 0,5, 1 тонна ишлаб чиқариш)ни сотиб олиш бўйича хўжалик юритувчи субъектлардан тижорат таклифларини қабул қилади. Манзилимиз: Toshkent sh., 100060, T.Shevchenko ko`chasi, 7. Tel: 236-48-56, 236-48-64, fax: 256-16-59. Email: ush@railway.uz.

"SUPER STAR SERVICE" МЧЖнинг (ИНН 302529976) бурчакли штампи йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети томонидан 2009 йилда Тагаев Джамол Комиловичга берилган В № 418140 рақамли бакалавр диплом ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

"Шайхонтоҳур тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Шайхонтоҳур тумани, Самарқанд дарвоза, Жиззах тор кўчаси, 148-уй учун Закиров Иркин номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Учтепа туманидаги 62-сонли мактаб томонидан 1982 йилда Юлдашева Шахноза Тулкуновна номига берилган № 047044 рақамли 8-синфни тугатганлиги тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **4 августда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

*Тошкент шаҳрида **4 август** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси – 20-22, кундузи – 36-38 даража иссиқ бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95. факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-1229

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 835

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4986 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 14.50

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

12345